Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 507 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармонига мувофиқ ҳамда мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни олишда харажатларни тубдан қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни олиш учун тўланаётган йиғимлар миқдорини камида икки баравар пасайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар;

ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 1 ноябрь,
313-сон



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 10-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида низомнинг 14-банди йигирма олтинчи хатбошига «тадбиркорлик субъектларининг муҳрлари ва штамплари бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низомнинг 9-банди йигирма бешинчи хатбошидаги «ва тугатиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан хорижий валютада ундириладиган божлар ставкалари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар тарифларининг IV бўлими 3-бандидаги «2000» рақамлари «1000» рақамлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 26 январдаги 21-сон қарорида:

а) 1-банднинг биринчи хатбошидаги «шунингдек тижорат банклари векселлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишга рухсатномани бериш тўғрисидаги аризанинг такрорий кўриб чиқишда Хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланишга рухсатнома беришнинг ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомнинг 7-банди ўнинчи хатбошидаги «беш» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



7. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларига ҳамда спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Акциз маркалари мажбурий тартибда маркаланиши зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва четдан келтирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари бўйича «Агробанк» ОАТБнинг ҳудудий бўлимлари томонидан берилади»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Акциз маркалари «Агробанк» ОАТБ минтақавий бўлимлари томонидан, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчиларнинг буюртманомаларига биноан, буюртманомаларда Давлат божхона қўмитасининг белгилари мавжуд бўлган тақдирда берилади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибининг 13-банди учинчи хатбошидаги «ҳар ҳафтада икки марта» ва «бир сутка мобайнида» сўзлари «ҳар ҳафтада» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарорида:

а) 1-иловада:

I бўлим 7-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

II бўлимнинг 7-бандида:

иккинчи хатбошидаги «ҳамда келгусидаги кон ажратишнинг асосий параметрларини олдиндан келишиш тўғрисидаги буюртманома билан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига мурожаат қилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

б) 3-илова II бўлимининг 5-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Фойдали қазилмаларнинг ер ости захираларини фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тўғрисидаги масалани қайта кўриб чиқишда фойдали қазилмаларнинг ер ости захираларини фойдаланувчининг ҳисобидан чиқаришнинг ҳисобдан чиқаришни рад этиш тўғрисидаги қарорда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 4-иловада:

II бўлимнинг 9-бандидаги «ва кон муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари билан келишилган» сўзлари чиқариб ташлансин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



X бўлимда:

4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ва «Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 апрелдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Пахта ва пахта толасини комплекс қайта ишловчи корхоналарни қуришга ва уларни қайта ихтисослаштиришга доир таклифлар киритиш тартибининг 1-банди иккинчи хатбошидаги «тегишли шаҳар, туман ҳокимлиги билан келишилган» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 декабрдаги 534-сон қарори билан тасдиқланган Импорт контрактларини мустақил экспертиза қилиш ва Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатида:

а) 2 ва 4-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 8-банддаги «Экспорт ва импорт» сўзлари «Импорт» сўзи билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорида:

а) 2-илованинг 74-бандида:

биринчи хатбошидаги «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Инвестиция фондларини қайта ташкил этиш тадбирларини ўтказиш даврида фондлар ўз устав ҳужжатлари ва инвестиция портфелларини ушбу Низомнинг 60-банди 4 — 7, 9, 13, 14- хатбошиларда назарда тутилган фондлар фаолиятини чеклашлар билан мувофиқлаштиришлари шарт»;

б) 3-иловада:

5-банднинг еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) билан келишган ҳолда» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



13-бандга «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади)» сўзлари қўшилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 23 мартдаги 131-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 15-модда):

а) 1-банднинг учинчи хатбоши, 2-банд ва қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1-иловада:

26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Хорижий фуқаролар (шу жумладан хорижий дипломатик ва консуллик ваколатхоналари бошлиқлари) ва бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига вақтинча олиб кириладиган маданий бойликлар тегишли божхона ҳужжатларида кўрсатилиши керак»;

27-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Мусиқа асбоблари ва камонларнинг божхона органлари белгиси қўйилган паспортлари уларнинг Ўзбекистон Республикасидан тўсиқсиз олиб чиқилиши учун асос ҳисобланади»;

Низомга 6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда):

а) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин*;

б) иловада:

3.10-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.10. Махсус комиссия банкдаги тугатиш ҳисоб рақамини ёпади, муҳрни, бурчакли ва бошқа штампларни йўқ қилиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга топширади»;

3.11-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4.1-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«корхонани давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза билан рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилади ҳамда йўқ қилиш учун унга муҳр ва штампларни топширади»;

4.2-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 23 сентябрдаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 58-модда) 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзстандарт» агентлигининг спиртдан фойдаланиш зарурияти ва технология эҳтиёжлари учун талаб қилинадиган спирт ҳажмини тасдиқловчи хулосаси бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида» 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда)*:

а) 1-иловада:

4-банднинг биринчи хатбошидаги «расмий» сўзи «идоравий» сўзи билан алмаштирилсин;

6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 11 ва 12-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-илованинг 12-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 23 февралдаги 65-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 2-сон, 10-модда) 1-банди учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин*:

«микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботни йилнинг ҳар чорагида тақдим этадилар. Статистика ҳисоботи микрофирмалар томонидан ҳар йили, статистика органлари томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари ва соҳалари бўйича танлаб текширишлар ўтказган ҳолда тақдим этилади. Микрофирмалар ва кичик корхоналардан ҳар ойда ҳисоботлар сўралишига йўл қўйилмайди».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й. 3-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, давлат бошқа органлари, ташкилотлари ва корхоналарининг чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги намунавий низомнинг 1-бандидаги олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган давлат бошқаруви органлари ва жой-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



лардаги давлат ҳокимияти органлари рўйхатидаги «Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатининг талаблари» устунининг 9-бандидаги «гипноз қилиш ва таъсир кўрсатишнинг руҳий ёки биоэнергия усулларидан фойдаланган ҳолда даволаш сеанслари, тиббиёт буюмлари, тиббий техникани, гигиена, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситалари; даволаб бўлмайдиган ёки даволаш қийин бўлган касалликларга нисбатан терапевтик натижа» сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Сертификат бериш юзасидан аризани такрорий кўриб чиқишда сертификат беришнинг ушбу сертификатни беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди».

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Аудиторлик ташкилоти аризасини такрорий кўриб чиқишда лицензия беришнинг ушбу лицензияни беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди».

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 24-банднинг биринчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақи» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 26-банднинг ўн еттинчи хатбошидаги «ярим йил» сўзлари «бир йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг бешинчи хатбошидаги «пейжинг» сўзи чиқариб ташлансин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



в) 7-банднинг биринчи хатбошидаги ва 11-банддаги «шахсий радиочақирув» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 26-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда амалга оширилади. Аризаларнинг такрорий кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорларидан йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини такрорий кўриб чиқишда лицензия беришнинг лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги билдиришномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

Лицензия беришнинг рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берганлик учун давлат божи миқдорларида:

а) тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

| | |
|---|---|
| **Кўчма радиотелефон алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш:** | |
| уяли | 140000 |
| транкли, радиотелефон алоқа | 135 |
| Лойиҳалаш (уяли алоқа) | 200 |
| Лойиҳалаш (транкли, радиотелефон алоқа) | 10 |
| Қуриш (уяли алоқа) | 400 |
| Қуриш (транкли, радиотелефон алоқа) | 20 |
| Фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш (уяли алоқа) | 140000 |
| Фойдаланиш (транкли, радиотелефон алоқа) | 30 |
| Хизматлар кўрсатиш (транкли, радиотелефон алоқа) | 80 |

б) олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомда:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



а) 23-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«I тоифага — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари;

II тоифага — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари;

III тоифага — энг кам ойлик иш ҳақининг 7,5 баравари;

IV тоифага — энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида белгиланади»;

б) Низомга илованинг «ДЭЭ ўтказилганлиги учун тўлов миқдори» устунининг 4, 7 ва 10-бандларидаги «50», «30», «15» ва «1» рақамлари тегишли равишда «25», «15», «7,5» ва «0,5» рақамлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатида:

а) «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

### «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ҳимояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса), шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.

Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлиш соҳасидаги фаолият.

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Кўприклар ва тонелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.

Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш.

Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, заводда идишларга қадоқланганлари бундан мустасно. (Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктларида сотишдан ташқари).

Этил спирти ҳамда бошқа алкоголли маҳсулотни ишлаб чиқариш.

Геодезия ва картография фаолияти.

Ноширлик фаолияти.

Нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти.

Диний таълим муассасаларининг фаолияти.

Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш.

Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни кўпайтириш, сотиш, прокатга бериш.

Фонограммаларни тайёрлаш.

Туризм фаолияти.

Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш»;

б) «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги» бўлимидаги учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги» бўлимидаги биринчи хатбошига «шунингдек таркибида гиёҳванд модда бўлган ўсимликларни ўстириш» сўзлари қўшилсин;

г) «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш.

Телекоммуникациялар тармоқларини қуриш.

Телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш.

Телекоммуникациялар тармоқларига хизматлар кўрсатиш»;

д) «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги» бўлими чиқариб ташлансин;

е) «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» бўлимидан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ж) «Ўзстандарт» агентлиги» бўлими чиқариб ташлансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



5 августдаги 280-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) 4-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 12-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилган тақдирда лицензия беришнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Матбаа корхоналаридан давлат рўйхатига олганлик учун ставкалар бўйича давлат божи ундирилади:

| Т/р | Матбаа фаолияти тури | Давлат божи ставкаси |
|---|---|---|
| 1. | Босма нашрларни босиш:<br>а) йиллик иш ҳажми 2 млн босма табоққача бўлган корхоналар;<br>б) йиллик иш ҳажми 2 млн босма табоқдан ортиқ бўлган корхоналар | энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида<br><br>энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида |
| 2. | Нашрларнинг босма шаклларини ясаш мақсадида улар матнини териш (набор). Нашрларнинг босма шаклларини ясаш. Босма маҳсулотларнинг оригинал-макетларини тайёрлаш | энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида |
| 3. | Муҳр ва штамплар тайёрлаш. Босма маҳсулотларини муқовалаш. Маҳсулотларни қадоқлаш қутиларини ва ёрлиқларини тайёрлаш | энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида |
| 4. | Матбаа корхоналари чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган ёки корхонага Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари муассис (ҳаммуассис) бўлса | 500 АҚШ доллари миқдорида |

Матбаа фаолиятининг бир неча турлари билан шуғулланиш учун ариза берилганда, давлат божи амалга оширилиши мўлжалланаётган фаолият турлари учун белгиланган давлат божи миқдорларининг энг юқориси бўйича тўланади.

Рўйхатга олинган матбаа корхоналари, қўшимча матбаа фаолияти турларини амалга ошириш учун қайта рўйхатга олинаётганда, давлат божи



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



умумий тартибда ундирилади. Матбаа корхонаси бошқа асосларга кўра қайта рўйхатга олинганда, давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

Олинган маблағларнинг 80 фоизи Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида қўшимча маблағ сифатида матбаа фаолиятини ривожлантириш учун қолдирилади, қолган маблағлар эса маҳаллий бюджетга ўтказилади»;

б) 9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Матбаа корхонасини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган асослар бўйича матбаа корхонасини рўйхатга олишни рад этишга йўл қўйилмайди»;

в) 10-банднинг бешинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларининг 12-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банддаги «шунингдек ЙҲҲ бош бошқармаси органлари томонидан берилган транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширишга ва мажбурий техник кўрикка тайёрлашга рухсатномага» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9, 10-бандлар ва Низомга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг «е» кичик банди иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан бериладиган биржа савдосининг профессионал қатнашчилари шаҳодатномасига эга бўлган (фонд биржаларидан ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимларидан ташқари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 14-банддаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Лицензия талабгорининг аризалари қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида:

а) 107-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиясига ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 117-бандда:

иккинчи хатбошидаги «заргарлик буюмларини ишлаш ва тайёрлашга лицензия мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ушбу корхоналарда заргарлик буюмларини қайта ишлаш ва тайёрлашга лицензия мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг ўн бешинчи хатбошидаги «ярим йил» сўзлари «йил» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 13-банддаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Лицензия талабгори аризаларининг қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда) :

а) 1-иловада:

14-банддаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

29-банднинг иккинчи хатбошидаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг иккинчи хатбошидаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

14-банддаги «икки баравари миқдорида» сўзлари «бир баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

29-банднинг иккинчи хатбошидаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг иккинчи хатбошидаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 19-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 30-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Лицензия талабгори аризаларининг қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда):

а) 1-иловада:

15-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

5-банддаги «5 йил муддатга» сўзлари «амал қилиш муддати чекланмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

24-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

V бўлим номидаги «унинг амал қилиш муддати» сўзлари чиқариб ташлансин;

28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

29-банднинг биринчи хатбошидаги «Амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

35-банднинг «г» кичик банди чиқариб ташлансин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Лотереяларни ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 12-банддаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Лицензия талабгори аризаларининг қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади»;

б) 12-банднинг ўнинчи хатбошидаги «шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларга эҳтиёж тўғрисидаги хулосаси (таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда)» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Лицензия талабгори аризаларининг қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

г) Низомга иловадаги «(ССВ — ИИВ)» сўзлари чиқариб ташлансин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда):

а) 3-банднинг учинчи хатбошидаги «шунингдек муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

11-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 16-банднинг иккинчи хатбошидаги «уч баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар бўйича — статистика ва солиқ органларига, акциядорлик жамиятлари бўлган юридик шахслар бўйича эса — шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ҳам;

юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари бўйича — солиқ органига»;

23-банддаги тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

44-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилишга буюртмани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилишга рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

46-банддаги еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

47-банддаги еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

48-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари бошқа тоифага ўтказишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

$49^1$-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

«Техник шартлар беришга буюртманомани қайта кўриб чиқишда илгари техник шартлар беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича техник шартлар беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

54-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга — мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва «рўйхатдан ўтказилди» деган белги қўйилган таъсис ҳужжатларини, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини беради;

якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигига — мазкур Низомга 6а-иловага мувофиқ шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган (уларнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамп эскизини беради»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Муҳр ва штамп эскизини тасдиқлашда рўйхатдан ўтказувчи орган муҳр ва штампларни ҳисобга олиш дафтарига тегишли ёзувни ёзиб қўяди»;

72-бандда:

бешинчи хатбошидаги «уч баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошидаги «тайёрлашга рухсатномаларни расмийлаштириш» сўзлари «эскизини тасдиқлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



## «Тадбиркорлик субъектларини (юридик шахс ташкил этган ҳолда) давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш СХЕМАСИ




1. Иловалари билан бирга таъсис ҳужжатлари тайёрлаш (Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли тузилмалари, консалтинг фирмалари, бошқа шахслар ёрдамида ёки муассиснинг ўзи томонидан).

2. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга киритиш.

3. Рўйхатдан ўтказувчи органда ҳужжатларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш (тегишли органларда ҳисобга қўйган ҳолда) ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек муҳр ва штамплар эскизини тасдиқлаш.

4. Тадбиркорлик субъектига давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамплар эскизини бериш»;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



Низомга 2а-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Якка тартибдаги тадбиркорларни (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларини) давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш СХЕМАСИ**




1. Иловалар билан бирга таъсис ҳужжатлари тайёрлаш.

2. Ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига киритиш.

3. Инспекцияда ҳужжатларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш (солиқ органида ҳисобга қўйган ҳолда) ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек (хусусий тадбиркорнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамплар эскизини тасдиқлаш.

4. Якка тартибдаги тадбиркорга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномани ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган (якка тартибдаги тадбиркорнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамплар эскизини бериш.».

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда):

а) 1-банднинг учинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошилар, шунингдек қарорга 2, 4 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1-илованинг 21-бандида:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 3-иловада:

11-бандда:

биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади»;

тўртинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

19-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 7-иловада:

2-бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«2. Ҳаво транспорти**

| | |
|---|---|
| халқаро аэропортларда ҳаво кемаларига ҳаво транспортида ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти | 2900 |
| минтақавий аэропортларда ҳаво кемаларига ҳаво транспортида ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти | 240»; |

4-бўлим ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

изоҳдаги «(йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташишдан ташқари)» ва (йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташишда тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)» сўзлари чиқариб ташлансин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 45-бандидаги «ҳар ойда» сўзлари «ҳар чоракда» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида» 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 85-модда) 2-бандининг учинчи хатбошидаги «битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 24 сентябр-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



даги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда):

а) 2-иловада:

5-банддаги «5 йил муддатга» сўзлари «амал қилиш муддати чекланмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

20-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

V бўлим номидаги «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

24-банднинг биринчи хатбошидаги «Амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

31-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

34-банддаги «ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

11-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 4-иловада:

11-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 5-иловада:

11-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 6-иловада:

11-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «уч баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин;

«Лицензия талабгорларининг аризалари қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 113-модда) билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «2,5 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 114-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 26-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 117-модда) билан тасдиқланган Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низом 6-бандининг бешинчи хатбошига «фуқаролар тўғрисида» сўзларидан кейин «йилига бир марта» сўзлари қўшилсин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги $10^1$ ва $10^2$-бандлар қўшилсин:

«$10^1$. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

$10^2$. Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



50. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 119-модда) билан тасдиқланган Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 15-банддаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 27-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 124-модда):

а) 1-иловада:

40-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

51-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«51. Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади»;

б) 2-иловада:

36-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

47-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«47. Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади»;

в) 3-иловада:

27-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«40. Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидан олинадиган техник кўмаклашув маблағларини, грантлар ва мурувват ёрдамини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 56-сон қарорида*:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банддаги «ва статистика маълумотлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари бошчилик қиладиган комиссиялар рўйхатида:

а) «Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов бошчилик қиладиган комиссиялар» бўлимида:

3 ва 4-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банддаги «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

б) «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов бошчилик қиладиган комиссиялар» бўлимининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 17-модда):

а) 1-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш»;

б) 2-иловада:

4-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим»;

6-бандда:

тўртинчи ва олтинчи хатбошидаги «ҳамда фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «ишланмалари, модификациялари ва» сўзлари чиқариб ташлансин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш»;

7-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи хатбошидаги «уларни таъмирлаш» сўзлари «уларга техник хизмат кўрсатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва таъмирлашни» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «аэропортларни» сўзи чиқариб ташлансин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва уни таъмирлашни» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ва аэропортларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «ва аэродромларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

«ж» кичик банддаги «фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари давлат реестрини ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

«з» кичик банддаги «фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

«к» кичик банддаги «фуқаро авиацияси авиация техникаси ишланмалари, модификацияларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

«л» кичик банд чиқариб ташлансин;

«п» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«п) аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этади».

55. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 18-модда):

а) 2-банддан бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 4-иловада:

7-банддан бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8-банднинг «в» кичик бандидан еттинчи ва саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

10-банднинг саккизинчи ва йигирма бешинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

56. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 21-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари ли-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



цензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 19-бандга:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартдаги 101-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Портловчи ва заҳарловчи моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 21-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 24-модда):

а) қарорнинг номидан ҳамда 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



илованинг номидаги «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият қуйидагиларни ўз ичига олади:

ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлиш, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналарни, радиациядан муҳофазаланиш воситаларини яратиш ва тайёрлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиш»;

2-банднинг биринчи хатбошидан, 5, 6-бандлардан ва 7-банднинг биринчи хатбошидан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

21-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Низомга иловада Схема номидан, 1-босқичнинг 1-бандидан ва 2-босқичнинг 2-бандидан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

г) 2-илованинг номидан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин.

61. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «уч баравари миқдорида» сўзлари «бир баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

62. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



а) 15-банддаги «икки баравари миқдорида» сўзлари «бир баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган лицензия бериш муддати тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади».

63. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Саноат мақсадидаги портловчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 19-бандга қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) 22-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомнинг 2-банди ўн биринчи хатбошидан «радиочастоталардан фойдаланишга рухсатномалар бериш» сўзлари чиқариб ташлансин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 57-модда) билан тасдиқланганНоширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошидан «ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банддаги «5 йил муддатга» сўзлари «амал қилиш муддати чекланмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 15-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 21-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



е) V бўлимнинг номидан «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 25-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 26-банднинг биринчи хатбошидан «амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

и) 33-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидан «амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

к) 36-банднинг биринчи хатбошидан «ва амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «беш бараваридан» сўзлари «уч бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «уч бараваридан» сўзлари «бир бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-бандда:

биринчи хатбошидаги «беш бараваридан» сўзлари «уч бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «уч бараваридан» сўзлари «бир бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:

саккизинчи хатбошидан «ягона энергетика тизимига уланадиган электр станцияларида электр ишлаб чиқариш фаолиятини» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошидаги «корхоналар» сўзи «бир йилда 100 000 ва ундан ортиқ кубометр табиий газдан фойдаланувчи корхоналар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг тўққизинчи хатбошидан «энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

68. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашла-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



ри таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) 16-иловадаги «ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташиш, аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш, авиация ишларини бажариш бўйича» сўзлари «аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолият» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

69. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомнинг 8-банди «а» кичик бандида:

а) ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўн биринчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг олтинчи хатбошидаги «уч» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат солиқ инспекциясининг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизининг бир нусхаси»;

в) 16-банддаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Вазирлар Маҳкамасининг «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида» 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 102-модда):

а) 1-иловада:

14-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга буюртманомаларни қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

25-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«Ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома олишда буюртманомаларни қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

12-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рухсатномаларни беришга буюртманомаларни қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

13-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рухсатномаларни беришга буюртманомаларни қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

18-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«Рухсатномаларни беришга буюртманомаларни қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

36-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

67-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

74-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Зоологик коллекциянинг давлат ҳисобига қабул қилиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу коллекцияни давлат ҳисобига қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича зоологик коллекциянинг давлат ҳисобига қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди».

72. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



тўғрисидаги низомнинг 8-банди қирқ олтинчи хатбошидаги «ва белгиланган тартибда улардан фойдаланишга сертификатлар беради» сўзлари чиқариб ташлансин.

73. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандда «энг кам ойлик иш ҳақи» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 22-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

74. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рухсатнома олиш учун буюртманомаларни қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди».

75. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда):

а) 2-иловада:

7-банднинг бешинчи хатбошидаги «ҳар ойда» сўзлари «йилнинг ҳар чорагида» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги ва 12-банднинг биринчи хатбошидаги «ҳар ойда» сўзлари «йилнинг ҳар чорагида» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Мониторинг натижалари йилнинг ҳар чорагида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментларига ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритилади»;

20-банднинг биринчи хатбошидаги «ҳар ойда» сўзлари «йилнинг ҳар чорагида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада*:

8-бандда:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



иккинчи хатбошидаги «Департаментга ҳамда Давлат статистика қўмитасига» сўзлари «Департаментга» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

17-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

27-банднинг биринчи хатбошидаги «Ғазначиликка ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига» сўзлари «ва Ғазначиликка» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш**
**СХЕМАСИ**






WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



1. Донорлар томонидан олувчиларга мурувват юклари берилиши.
2. Юкларни олувчилар томонидан товарларнинг мурувват юкларига тегишлилиги тўғрисидаги ҳужжатлар тайёрланиши ва унинг комиссия орқали АТДга юборилиши (2а).
3. АТДнинг кўриб чиқиши ва божхона органи томонидан юкларнинг мурувват тусидалиги тўғрисида хулоса берилиши.
4. Божхона расмийлаштируви ва мурувват ёрдами юклари сифати устидан назорат қилиш.
5. Божхона органлари томонидан мурувват юклари тўғрисида ВМнинг АТДга ва Ғазначиликка маълумотлар йилнинг ҳар чорагида тақдим этилиши.
6. Мурувват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳасини тайёрлаш ва асослаш.
6а. Мурувват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳаларини Молия вазирлиги билан келишиш.
7. Мурувват юкларини аниқ тарзда тақсимлашни тасдиқлаш.
8. Мурувват юкларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш.
9. Божхона расмийлаштируви, мурувват юкларини ҳисобга олиш, уларни тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар бажарилганлиги акс эттирилган ҳолда текширишлар ўтказиш ва далолатномалар тузиш.
9а. Молия вазирлиги Департаментига текшириш натижалари тўғрисида ахборот тақдим этиш.
10. Ғазначиликка Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар ва муддатлар бўйича мурувват ёрдами юклари олинганлиги ва улардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ахборот тақдим этиш.
10а. Молия вазирлиги Департаментига умумлаштирилган ахборот тақдим этиш.
11. Мақсадли фойдаланишни ва тақсимлашнинг манзиллилигини текшириш, шу жумладан донорлар томонидан текшириш (11а).
12. Молия вазирлиги Департаментига ва АТДга мурувват ёрдами лойиҳалари амалга оширилиши тўғрисида йиғма ахборот тақдим этиш.

».



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



4-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Мурувват ёрдамини амалга ошириш мониторинги СХЕМАСИ**




1. Мурувват юкларини амалга ошириш бўйича таклифлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш.
2. Тақдим этилган ахборотни таҳлил қилиш, ҳар йили йиғма ҳисобот тузиш, устувор лойиҳаларнинг биринчи навбатдаги рўйхатини шакллантириш ва уларни Молия вазирлиги билан келишиш.
2а. Мурувват ёрдамининг устувор лойиҳалари бўйича Молия вазирлиги билан келишилган ахборотни Вазирлар Маҳкамасининг АТДга тақдим этиш.
3. Комплекс раҳбари томонидан мурувват лойиҳаларининг устувор рўйхати тасдиқланиши ва уни Ўзбекистон Республикаси ТИВ (3а) ва Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган донорлар ваколатхоналари (3б) орқали донорларга (3в) етказиш.
4. Қўшма дастур ёки лойиҳани ишлаб чиқиш ва томонларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги икки томонлама битимни тайёрлаш.
5. Лойиҳа тўғрисидаги ахборот йиғилишини таъминлаш, режа-жадвални тасдиқлаш ва лойиҳа бўйича ишлар бажарилиши тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни олиш.
6а. Молия вазирлигининг Ғазначилигига мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни тақдим этиш.
6б. Ғазначилик томонидан Молия вазирлиги Департаментига йиғма ахборот тақдим этилиши.
7. Молия вазирлиги Департаменти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари АТДга якуний умумлаштирилган ахборотни тақдим этиш.

».



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



76. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 15-банднинг биринчи хатбошидаги «уч баравари миқдорида» сўзлари «бир баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

77. Вазирлар Маҳкамасининг «Қиймат ва моддий балансларнинг тасдиқланган параметрлари бажарилишининг самарали мониторинги олиб борилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 февралдаги 16-сон қарорига ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилган.

78. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатида:

а) 17-4, 38-3-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 43-1, 43-2, 43-3 ва 43-4-позициялар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 43-1. | Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги |
| 43-2. | Телекоммуникациялар тармоқлари қурилиши бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-3. | Телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-4. | Телекоммуникациялар тармоқларига хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

в) 43-5, 43-6, 43-7, 47 ва 96-позициялар чиқариб ташлансин;

г) 97-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 97. | Аэропортларда ҳаво ташувларини бажариш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



д) 97-1, 102, 106 ва 109-позициялар чиқариб ташлансин.

79. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 12-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади»;

б) 21-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

80. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 8-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларида:

а) 1-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «ва тегишли лицензияга эга бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 31-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

81. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг 21-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

82. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 69-модда)*:

а) 1-банддан олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

83. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 19-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«Ҳужжатларни қайта кўриб чиқишда илгари давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) 3-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи**
**СТАВКАЛАРИ**

| Оммавий ахборот воситаси тури | Давлат божи миқдори |
|---|---|
| Даврий босма нашрлар (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар ва бошқалар) | Энг кам ойлик иш ҳақининг 12,5 баравари миқдорида |
| Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, ахборот агентликлари | Энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида |
| Маҳсулотлари Интернет глобал тармоғи орқали тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар) | Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида |
| Асосан болалар, ўсмирлар, ногиронлар учун мўлжалланган, шунингдек таълим ва маданий-маърифий йўналишдаги оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар) | Энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида |
| Реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари (рекламага ихтисослашган газеталар, журналлар, буклетлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар) | Энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида |
| Оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари (электрон тарзда тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари ва бошқалар) | Энг кам ойлик иш ҳақининг 12,5 баравари миқдорида |

».

84. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 8 ноябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 84-модда)*:

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) илованинг 11-банди учинчи хатбошидаги «статистика ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

85. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 ноябрдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 91-модда) билан тасдиқлан-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



ган Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Йўналишни ўзгартириш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилмаган янги асослар бўйича йўналишни ўзгартириш учун рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 19, 20-бандлар ва Низомга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

86. Вазирлар Маҳкамасининг «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 19 февралдаги 37-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 11-модда) 2-банди учинчи хатбошидаги «бир энг кам ойлик иш ҳақи» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

87. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Базавий интерактив давлат хизматлари реестрида:

а) 55.7-позиция чиқариб ташлансин;

б) 56-позициянинг «Хизматлар номи» устунидан «ва дарё» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 68 ва 68.1-позициялар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 68. | Аэропортларда ҳаво ташувларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича ахборот тақдим этиш. | Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| 68.1. | Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини сертификатлаш бўйича ахборотлар тақдим этиш. | |

г) 72-позициядаги «Хизматлар номи» устунидан «Энергетик текшириш ва экспертиза ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 73 ва 73.1-позициялар чиқариб ташлансин.

88. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«г» кичик бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши ҳисоблансин;

«д» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«д) «ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган фойдали қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи балансидан чиқариш тўғрисидаги таклиф»;

б) 10-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «20» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «50» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «70» рақами «35» рақами билан алмаштирилсин;

в) 11-бандда:

«б» кичик банддан «ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси хулосаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

«в» кичик банди чиқариб ташлансин;

г) 15-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

89. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 14-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. «Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатишган муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янги берилган ариза деб ҳисобланади».

90. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида:

а) 23-банднинг биринчи хатбошидан «махсус ваколатли давлат органи ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 25-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

91. Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 33-модда):



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



а) 1-иловада:

12-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилари тегишли равишда иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

Низомга 2-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Корхона | Кадрларни ҳисобга олиш ва корхонанинг бухгалтерия ҳисоби | Ташкил этилган ва чиқиб кетган иш ўринлари сони (1-Т)-шакл | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-куни | Туман (шаҳар) статистика бўлими |
| | | | Корхона бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-куни* | Вилоят (ҳудудий-минтақавий) даражадаги юқори ташкилот (хўжалик бошқаруви органининг марказий аппарати — агар вилоят (ҳудудий-минтақавий) бўғин мавжуд бўлмаса) |

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази | Туман (шаҳар) статистика бўлими, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари | Касаначиликни ривожлантириш параметрлари бажарилиши тўғрисида йиғма таҳлилий маълумот | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 6-кунигача | Ишчи комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари |

б) 2-илованинг 6-банди иккинчи хатбошидан «ва корхоналар» сўзлари чиқариб ташлансин.

92. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандидан «фақат касаба уюшмалари қўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари билан келишган ҳолда йўл қўйилади ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин.

93. Вазирлар Маҳкамасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 12-сон, 64-модда):

а) 2-илованинг 11-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



б) 4-илованинг 24-банди «а» кичик бандидаги «тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш» сўзлари «расмийлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

94. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «6» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Наркотик воситалар ва психотроп моддалар ишлаб чиқарувчилар, тайёрловчилар ҳисобланган ҳамда уларни сотишга лицензияси бўлган юридик шахслар, шунингдек наркотик воситалар ва психотроп моддалардан фойдаланган ҳолда комбинацияланган дори препаратларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар»;

в) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Наркотик воситалар ва психотроп моддалардан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек илмий ва ўқув мақсадларида наркотик воситалар ва психотроп моддалардан фойдаланиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этадилар»;

д) 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) Низомга 2 — 6-иловалар қуйидаги мазмундаги 2 — 4-иловалар билан алмаштирилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga





«Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**20____ йилда наркотик воситалар, психотроп моддалар ва (ёки) наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланган ҳолда комбинациялаштирилган дори воситалари ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи корхоналарнинг**

## ҲИСОБОТИ

________________________________________
(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита, психотроп модда ва прекурсор субстанцияси номи | Тайёр маҳсулотнинг номи, дори шакли, дозировкаси | Тайёр маҳсулотнинг ўлчов бирлиги | Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | Ҳисобот давридаги субстанция кирими | Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш, тайёрлаш учун фойдаланилган субстанция | Субстанциянинг табиий камайиши | Ҳисобот даврида сотилган тайёр маҳсулот | Ҳисобот даври охиридаги субстанция қолдиғи | Ҳисобот даври охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | суб-станция | тайёр маҳсулот | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

20___ й. «___» __________ М.Ў.

Ташкилот раҳбари ____________________
(Ф.И.О.)

____________________
(имзо)

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами
______________________________

Моддий жавобгар шахс
____________________
(Ф.И.О.)

____________________
(имзо)

Изоҳ:
Наркотик воситалар, психотроп моддаларнинг ҳар бир тури ва дори препаратининг ҳар бир тури бўйича ҳисобот шакли алоҳида тўлдирилади.
Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.





WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**20____ йил ________да тиббиётда ва ветеринарияда ва (ёки) илмий ва ўқув мақсадларида наркотик моддалар, психотропик моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тўғрисида**
**ҲИСОБОТ**

______________________________________________
(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Наркотик восита, психотроп модда, прекурсор номи, дори шакли, дозировкаси | Ўлчов бирлиги | Ҳар бир тур бўйича йиллик эҳтиёж | Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | Кирим | Чиқим | Ҳисобот даври охиридаги ҳолатига кўра қолдиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

20___ й. «___» __________ М.Ў.

Ташкилот раҳбари
____________________
(Ф.И.О.)
____________________
(имзо)

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами
______________________________

Моддий жавобгар шахс
____________________
(Ф.И.О.)
____________________
(имзо)

Изоҳ:

Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш бўйича ҳисобот шакллари ҳар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.

Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин, хусусий даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналар ҳисоботларни вилоятлар соғлиқни сақлаш бўлимларининг Доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялари орқали тақдим этадилар.





WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**20___ й. ____________ да прекурсорларнинг муомалада бўлиши бўйича**
**ҲИСОБОТ**

______________________________________________________
(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

| Т/р | Прекурсор номи | Ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқарилган ва олиб келинган | | | | | Истеъмолчиларга жўнатилгани (сотилгани) | | Ўз эҳтиёжи учун сарфлан-гани | Табиий камайиши | Ишлаб чиқариш жараёнидаги йўқотиш | Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ҳисобот даври бошидаги қолдиқ | ҳисобот даврида ишлаб чиқарил-гани | импорт | респуб-лика ичида сотиб олин-гани | қолдиқ билан бирга давр мобайнида жами кирим | шу жумладан: | | | | | |
| | | | | | | | | ички бозорга | экспортга | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 1. | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | | | | | | |

20___ й. «___» ___________ М.Ў.

Ташкилот раҳбари ____________________
(Ф.И.О.)

____________________
(имзо)

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами
______________________________

Моддий жавобгар шахс
____________________
(Ф.И.О.)

____________________
(имзо)

Изоҳ:
Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этадилар.».

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



95. Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 18-модда):

а) 3-банддаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин

б) 1-иловада:

12-банднинг биринчи хатбошидаги «бир баравари» сўзлари «50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Лицензияни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорга ёзма равишда ва рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади), агар сабаблар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Агар талабгор лицензия беришни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этса, ҳужжатлар адлия органи томонидан талабгорнинг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

Талабгорнинг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

96. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатида:

а) 36-банднинг «Ахборотнинг тури» устунидаги «— Дарёларда ташишни лицензиялаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 42-банднинг «Ахборотнинг тури» устунидаги «— ягона энергетика тизимига уланадиган доимий электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин.

97. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 33-модда):

а) иккинчи хатбошидаги «5 йил муддатга» сўзлари «амал қилиш муддати чекланмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

4-банддаги «лойиҳалашнинг мураккаблик даражасидан қатъи назар,



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



5 йил муддатга» сўзлари «амал қилиш муддати чекланмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «икки баравари» сўзлари «бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

21-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

V бўлим номидаги «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

24-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

25-банддаги «ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришда» сўзлари чиқариб ташлансин;

26-банднинг биринчи хатбошидаги «амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

34-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

37-банддаги «лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун» сўзлари «лицензия берганлик учун» сўзлари билан алмаштирилсин.

98. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари 75-бандидан бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

99. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандида:

а) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

100. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 25-бандига қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



«Лойиҳа ҳужжатларини қайта кўриб чиқишда илгари ушбу ҳужжатларни келишишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лойиҳа ҳужжатларини келишишни рад этишга йўл қўйилмайди».

101. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 октябрдаги 289-сон қарори билан тасдиқланган Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортлари (аэродромлари)ни очиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 9-10-сон, 71-модда):

а) 1-кичик бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-кичик бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

102. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарорида:

а) 1-илованинг 13-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўнинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи — тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4-илованинг 14 ва 16-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

103. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 21-модда):

а) 14-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

104. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилмоқда.

105. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 52-модда):

а) 19-банддаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 29-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

106. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги Низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 72-модда):

а) 3-банддаги, 5-банднинг саккизинчи хатбошидаги ва 21-банддаги «фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган» сўзлари «чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 20-банднинг биринчи хатбошидаги «фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган» сўзлари «чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида» сўзлари билан алмаштирилсин.

107. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида» 2011 йил 16 февралдаги 33-сон қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси:

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар эътиборига етказсинлар;

2011 йил 1 октябрдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғида мавжуд бўлганларининг сотилишини аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни олиб қўйиш юзасидан белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчиларнинг янги намунадаги акциз маркалари тайёрлашга буюртмалари «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз вақтида жойлаштирилишини таъминласин».

108. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳаларини комплекс бошқариш бўйича таркибий бўлинма тўғрисида намунавий низомнинг 10-бандидаги «ҳар ойлик» сўзлари «ҳар чораклик» сўзлари билан алмаштирилсин.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



109. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарори билан тасдиқланган Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 31-модда):

а) 14-банддаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 25-банд қуйидаги мазмунда баён қилинсин:

«25. Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

110. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 9-бандининг «в» кичик бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 33-модда):

а) бешинчи хатбошидаги «ва саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинги геология-қидирув ишларида ва конларни қазишда тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш учун хулосалар беради» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

111. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 331-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 40-модда):

а) қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«Техник шартлар бериш тўғрисидаги буюртманомани қайта кўриб чиқишда илгари техник шартлар беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича ушбу шартларни беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

112. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берган ҳолда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 67-модда):

а) 7-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари қурилиш объектини рўйхатдан ўтказишни рад этиш



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича ушбу объектни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) 8-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин

«Рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу Низомнинг 5 ва 7-бандларида назарда тутилган муддатларда материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича буюртмачига 2-иловага мувофиқ шакл бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсат беради»;

учинчи хатбошидаги «объектнинг рўйхатдан ўтказиш варақчаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 9-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбоши тегишли равишда биринчи ва иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) Низомга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

113. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 августдаги 224-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилмоқда.

114. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илованинг 7-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди».

115. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш қоидаларининг 27-бандидаги учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

116. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 январдаги 5-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилмоқда.

117. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–312-сон Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 18-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 2-банднинг учинчи хатбошидаги «фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш» сўзлари «шунингдек фонограммаларни тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



б) 1-иловада:

илова номидаги ва 1-банддаги «фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш» сўзлари «шунингдек фонограммаларни тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

3-банддаги олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

5-банддаги, 6-банднинг биринчи хатбошидаги, 7-банддаги, 10-банднинг биринчи хатбошидаги «фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш» сўзлари «шунингдек фонограммаларни тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

15 ва 16-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

17-банддаги «15» рақами «14» рақами билан алмаштирилсин;

19-банддаги «д» кичик банд чиқариб ташлансин;

23-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи хатбошидаги, 27-банднинг ўнинчи хатбошидаги ва 29-банднинг биринчи хатбошидаги «фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш» сўзлари «шунингдек фонограммаларни тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

Низомга иловада:

илова номидаги ва 1-банддаги «фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш» сўзлари «шунингдек фонограммаларни тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлаш, шунингдек аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш» сўзлари «Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммалар тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

15-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



23-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

118. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг рухсат гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризасини қайта кўриб чиқишда илгари рухсат гувоҳномаси беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича ушбу гувоҳномани беришни рад этишга йўл қўйилмайди».

119. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 92-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 14-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади».

120. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисида низомнинг 21-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия талабгорининг рухсат бериш тўғрисидаги аризасини қайта кўриб чиқишда илгари рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича ушбу рухсатни беришни рад этишга йўл қўйилмайди»;

б) иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

* Ушбу ўзгартиришлар 2013 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида» 1995 йил 2 июндаги 204-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 6-сон, 19-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетга тўловлар механизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 5 декабрдаги 431-сон қарорининг 6 ва 7-бандлари.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмалари бериш тартиби тўғрисидаги низом I бўлимининг 11-банди ва II бўлимининг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида» 1995 йил 2 июндаги 204-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1997 йил 24 сентябрдаги 452-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 30 мартдаги 146-сон қарорининг 2-банди*.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 июндаги 227-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Тақдим этиш даврийлиги қисқартириладиган молия ва давлат статистика ҳисоботи шакллари рўйхатининг 4-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорининг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда)*.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 12 ноябрдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 116-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 121-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 2 декабрдаги 539-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 129-модда).

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарорига 5-илова II бўлимининг 8 ва 9-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 18-модда).

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарорига 7-илованинг 18-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 64-модда).

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илованинг 23-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда).

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 49-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда).

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 27, 33, 36 ва 39-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда).

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзилари-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



ни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–31-сон Қонуни)» 2006 йил 14 сентябрдаги 194-сон қарорига илова I бўлимининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 66-модда).

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги 205-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 72-модда).

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сон Қонуни)» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига 1-илованинг 53-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда).

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартдаги ПҚ–601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартдаги ПҚ–607-сон қарорлари)» 2007 йил 11 майдаги 96-сон қарорига 1-илованинг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 26-модда).

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарори билан тасдиқланган Ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олиниши, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашиши мониторингини таъминлаш учун давлат ва идоравий статистика ҳисоботлари рўйхатининг 9, 11 ва 13-бандлари*.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарори) 2008 йил 20 сентябрдаги 213-сон қарорига илованинг 4-банди.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида» 2009 йил 30 сен-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2012 yil 5 noyabr holatiga



тябрдаги ЎРҚ—225-сон Қонуни)» 2010 йил 17 майдаги 92-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 22-модда).

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ—1396-сон қарори)» 2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига илованинг 18-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 69-модда).

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ—292-сон Қонуни)» 2012 йил 1 февралдаги 26-сон қарорига илованинг 13, 17, 20, 22 ва 35-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 5-модда).

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган «Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентнинг 151-банди.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги 572—ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Талаб қилиб олинмаган маҳсулотларни (товарларни) сотиш ва саноат корхоналарида, улгуржи ва чакана савдо корхоналарида улар даражасини мақбуллаштириш тадбирлари I бўлимининг 1.3-банди.

* Ушбу Рўйхатнинг 5, 7 ва 22-бандлари 2013 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.



WWW.LEX.UZ